



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 20 июль, № 148 (7378)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни Жаҳон банкнинг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банки ўртасидаги узок муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларида юксак даражага эришилганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Жаҳон банки мамлакатимизда устувор тармоқларда таркибий ислохотларни фаол қўллаб-қувватламоқда ҳамда уларнинг амалга оширилишида бевосита иштирок этмоқда.

Жорий йил 18 июль куни Тошкентда Иқтисодий кенгашининг биринчи мажлиси ҳамда энергетика соҳасини ислох этиш бўйича давра суҳбати муваффақиятли ўтказилди, улар давомда ҳамкорликнинг бош устувор йўналишлари, истиқболдаги шерикликка доир аниқ дастур ва лойиҳалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилган ва давом этаётган лойиҳаларнинг умумий ҳажми 5,2 миллиард доллардан ортган. Жорий йилнинг ўзида Жаҳон банки 850 миллион доллардан зиёд даврангиз кредитларни маъқуллади. Улар тадбиркорлик, мактаб-гача таълимни ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш каби йўналишларни қамраб олади.

Банк-молия сектори ва давлат корхоналарини ислох қилиш, таълим, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартларида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Замон нафаси

Янгиланаётган Ўзбекистон ташаббуслари:

Азалий қўшнилар нафақат чегараларини, бозорларини, балки бағирларини ҳам кенг очди

Азалий дўстлик, муштарак қадриятлар ва умумий тарих... Булар — қадимдан оға-ини, қардош-биродар, кўни-қўшни, қуда-анда бўлиб яшаб келаётган Марказий Осиё минтақаси халқларини ўзаро бирлаштириб турувчи жиҳатлар. Бугун ана шу ришталар янада мустаҳкамланмоқда.

4-саҳифага қаранг.

Парламент ҳаёти

Долзарб вазифалар муҳокамаси

Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида Ветеринария ва мутахассислар, қолаверса, оддий одамлар қўмитаси томонидан шу йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Антитермалъ плёнка автомобиль ойналарини қорайтириш масаласини ҳал қиладими?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида автомобиль ойналарини қорайтириш (“тонировка”) масаласи қўриб чиқилди.

Сирил МЮЛЛЕР: ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни Жаҳон банкнинг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Муносабат

«НИЯТЛАРИМИЗ ИЖОБАТИНИ ТОПАЁТГанидан БАХТИЁРМИЗ...»

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни билан танишиш мақсадида 18 июль куни Сирдарё вилоятининг Ховос туманида бўлди.

Тошкентнинг янги метро бекатлари

шарқона меъморлик аънавалари асосида қурилмоқда

Метро энг қулай шаҳар транспорт воситаларидан бири ҳисобланади. Шу босис мамлакатимиз пойтахтида мазкур транспорт тармогини кенгайтириш, янги бекат ва линиялар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунёдкорлик



Хусусан, куни кеча “Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши” лойиҳаси ижросига киришилди.

Мамлакатимиз ташқи бозорга қанча мева-сабзавот сотди?

2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 780 минг тонна, яъни 700 миллион долларликдан ортик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган.

2019 йил 1 июль ҳолатига кўра,	Мiqдори
17 минг тонна гилос,	50 минг тонна ўрик,
8,3 минг тонна шафтоли,	15 минг тонна олхўри экспорт қилинди.
Ташқи бозорга чиқарилган қурилган мевалар мiqдори эса 10 минг 268 тоннани ташкил этган.	

